

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMACI SINING  
ҚАРОРИ

**931** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юриштири тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПФ–5065-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3024-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юриштири тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПФ–5065-сон Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3024-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси А.Х. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 29 август,  
679-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 29 августдаги 679-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 апрелдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган Хусусийлаштирилган квартиралар (квартираларнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми)ни бошқаларга бериш ва мерос қилиб қолдиришда мулкчилик ҳуқуқи ўтиши ҳақидаги шартномаларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандидаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 декабрдаги 478-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 12-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Жисмоний шахсларнинг мулки бўлган бинолар ва иншоотларни баҳолаш, қайта баҳолаш тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Жисмоний шахсларнинг мулки бўлган мол-мулкнинг рўйхатга олиш қиймати Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари томонидан аниқланади»;

б) 3 ва 7-бандлардаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туманлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 14-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Фуқаролар ўзларига тегишли иморатлар, иншоотларни рўйхатга олишдан бош тортганлари тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали бир ой муддатда ижро этувчи ҳокимият органларини ва солиқ солиш объекти жойлашган жойдаги солиқ инспекциясини бундан хабардор қилиши шарт»;

г) 16 ва 18-бандлардаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) Низомга иловада:

Низомнинг номидаги «199» рақами «201» рақами билан алмаштирилсин;  
«Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси бошлиғи» сўзлари \_\_\_\_\_ ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат  
(минтака номи)

корхонасининг \_\_\_\_\_ туман (шаҳар) филиали бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида» 1997 йил 2 июндаги 278-сон қарорида:

а) 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарига» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиалларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

8-банддаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалига» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарига» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиалларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида» 1998 йил 31 декабрдаги 543-сон қарорида:

а) 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарига» сўзлари «туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига, бошқа ташкилотларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

25-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «туманлар

(шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари, бошқа ташкилотлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналарига» сўзлари «туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига, бошқа ташкилотларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

27-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари, бошқа ташкилотлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

28-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «давлат кадастри бўлимларининг» сўзларидан кейин «ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси бошқа ташкилотларининг» сўзлари қўшилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 27 февралдаги 92-сон қарорининг 1-банди иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олиш тўғрисида» 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 5-модда):

а) 2-банднинг «туманлар (шаҳарлар)» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

4-банднинг тўртинчи хатбошидаги «туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналарига» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиалларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг биринчи хатбошидаги, 10-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 13-банддаги «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва қўчмас

мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«11. Қурилиши тугалланган уй ва турар жойга кадастр иши Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали томонидан тайёрланади ва буюртмачи (қурувчи) томонидан қабул қилиш комиссиясига тақдим этилган ҳужжатлар таркибига киритилади.

Турар жой иморатларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмасдан уларнинг кадастр иши берилишига йўл қўйилмайди.»;

14 ва 15-бандлардаги «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

7-банддаги «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалига» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандда «туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-иловада:

6-банднинг ўн биринчи хатбошидаги «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 492-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 11-12-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда

ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорати тўғрисидаги низомнинг 9-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«9. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати бўйича қуйидаги мансабдор шахслари:

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг раиси — ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг бош давлат инспектори;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раисининг ўринбосари — ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг бош давлат инспектори;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш бошқармаси ва ер тузиш бошқармаси бошлиқлари — ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг катта давлат инспекторлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари бошлиқлари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг бош давлат инспекторлари;

туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари бошлиқлари — тегишли туманлар (шаҳарлар)нинг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш бўйича бош давлат инспекторлари;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш бўлимлари ҳамда ер тузиш бошқармаси бошлиқлари ва мутахассислари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг тегишли шўъбалари бошлиқлари ва мутахассислари, туманлар (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг бош мутахассислари ҳамда етакчи мутахассислари — ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари ҳисобланади».

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарори

(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 12-сон, 97-модда) билан тасдиқланган Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомда:

а) 15-банднинг биринчи хатбошидаги «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 28-банднинг учинчи хатбошидаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 31-бандда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 32-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«берилган ер участкасини берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида ўзлаштиришни бошлашга, қабул қилиш комиссиясининг далолатномаси туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан тасдиқлангандан кейин бир ой мобайнида уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалига мурожаат қилишга мажбурдир».

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 2 июлдаги 184-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари томонидан якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 11-банднинг учинчи хатбошидаги, 13, 23, 27-банддаги «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 25-бандлардаги «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси тегишли туман (шаҳар)даги филиали» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 октябрдаги 277-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 43-сон, 458-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари қуриш учун ер участкалари ажратиш бўйича низомнинг 15<sup>б</sup>-бандида:

а) биринчи хатбошидаги «ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасини» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалини» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) тўққизинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорлари 32-бандининг «Ажратмалар миқдори (фоизларда)» устунисидаги «40» рақами «100» рақами билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги 164-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 8-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди 4-кичик бандидаги ««Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 11-сон, 62-модда):

а) 1-илованинг 13-банди олтинчи хатбошидаги ««Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасидан» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 13-банди олтинчи хатбошидаги ««Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасидан» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори (Ўзбе-



кистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон 40-модда) билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида низомнинг 3-банди биринчи хатбошидаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 августдаги 240-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 8-сон, 71-модда) билан тасдиқланган «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйлари тўғрисидаги низомнинг 15-банди олтинчи хатбошидаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 77-модда) билан тасдиқланган Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) тўғрисидаги низомнинг 22-банди олтинчи хатбошидаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасидан» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 июндаги 171-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 йил 6-сон, 43-модда) билан тасдиқланган Болалар уйлари тўғрисидаги низом 1-иловасининг 10-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалидан турар жой майдони болаларга бириктирилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (далолатнома, уй дафтари, кадастр иши нусхалари, турар жойнинг эгаси ва турар жойни хусусийлаштириш факти тўғрисидаги), улар мавжуд бўлганда».

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 25 февралдаги 54-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 2-сон, 13-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси туман-

лар (шаҳарлар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

38-банднинг биринчи хатбошидаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

39-банддаги «туман (шаҳар) давлат ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри корхонасига» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалига» сўзлари билан алмаштирилсин;

40-банднинг биринчи хатбошидаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

66-банддаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалида» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловадаги «3.1. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси» сўзлари «3.1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловадаги «2.1. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси» сўзлари «2.1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-иловадаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туманлар (шаҳарлар)даги филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

5-банддаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари» ва «давлат корхоналари» сўзлари тегишли равишда «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси»

нинг тегишли туман (шаҳар)даги филиаллари» ва «филиаллар» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Филиаллар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилиши натижа-сида тушган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри тегишли давлат корхоналарининг ҳисоб-китоб рақамига ўтказилади»;

9-бандда:

биринчи хатбошидаги «давлат корхонасига» сўзлари «филиалга» сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги ««Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармасига» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри тегишли давлат корхонасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги, 12-банднинг биринчи хатбошидаги, 13<sup>3</sup>-банднинг учинчи хатбошидаги, 14, 16, 17-бандларнинг, 19-банднинг биринчи ва олтинчи хатбошиларидаги, 20, 21, 22-бандлардаги, 29-банднинг саккизинчи хатбошидаги, 31-банднинг ўнинчи хатбошидаги, 34, 35, 45-бандлардаги «давлат корхонаси» сўзлари тегишли келишиқдаги «филиал» сўзи билан алмаштирилсин;

41-банддаги «туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига» сўзлари «филиалга» сўзи билан алмаштирилсин;

1 ва 2-иловалардаги «ЕРГЕОДЕЗКАДАСТР» ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ТУМАН (ШАҲАР) ЕР ТУЗИШ ВА КЎЧМАС МУЛК КАДАСТРИ ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ» сўзлари «ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЕР ТУЗИШ ВА КЎЧМАС МУЛК КАДАСТРИ ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТЕГИШЛИ ТУМАНЛАР (ШАҲАРЛАР)ДАГИ ФИЛИАЛЛАРИ» сўзлари билан алмаштирилсин.

